

Ҳадис ва Ҳаёт 18-жуз (MP3) «Тиб ва дам китоби»



15:35 / 07.04.2011 10884

Ҳадис ва Ҳаёт 18-жуз (MP3) «Тиб ва дам китоби»

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг қаламларига мансуб «Ҳадис ва Ҳаёт» туркумининг «Тиб ва дам китоби» деб номланган 18-жузи ёзилган аудиодиск.

«Ҳадис ва Ҳаёт» силсиласининг «Тиб ва дам китоби»ни ҳам аудиоформатда Сиз азизларнинг эътиборингизга ҳавола қилинмоқда. Ушбу мавзу бўйича Исломда соғлиқни сақлаш, тиб ва дам масалалари, тиб ҳақидаги ҳадислар ҳақида, тозалikka риоя қилиш, саломатликни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бадантарбия, соғлиққа зарарли нарсаларнинг ҳаром қилиниши, жисмни толиқтиришдан қайтариш, соғлиқни сақлаш мақсадида енгиллик

ва рухсатлар берилгани ҳақида суҳбат қурамыз.

Шунингдек, мазкур китобдан беморликнинг фазли ва унга сабр қилиш, беморни кўргани боришнинг фазли, унинг одоблари, беморга қандай муомала қилиш ҳақидаги маълумотларни ҳам топасиз.

Сеҳр кишининг бемор бўлишига сабаб бўла оладими? Сеҳрнинг ўзи нима? Дам солиш нима? каби саволларга илмий жавоб олмоқчи бўлсангиз, бу борада шариатимизда қандоқ ҳукмлар борлигини билмоқчи бўлсангиз, ушбу китобни яхшилаб тингланг. Уни тинглаб, дам солиш калималари, Қуръон ила дам солиш ва унга ажр олишнинг жоизлиги, Исломий тиб, табибларни имтиҳон қилиш, мусулмонларнинг тиббий кашфиётлари, доришунослик каби мавзуларни ўрганамиз.

Муаллиф: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

Номи: «Ҳадис ва Ҳаёт». 18-жуз. «Тиб ва дам китоби» (CD MP3)

Нашриёт: «SEMURG' MEDIA» МЧЖ

Сана: 2010

Ҳажми: 859 дақиқа

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитанинг тавсияси ила нашр этилган

Мурожаат учун телефон: (+998 71) 216 29 27

Ушбу аудио дискда қуйидаги маълумотлар билан танишасиз:

1. Муқаддима
2. Кириш
3. Яхшиликнинг турлари ҳақида
4. Енг улуғи ота онага яхшилик
5. Фарзандларга яхшилик қилиш
6. Силаи раҳм вожибдир, уни кесмоқ ҳаромдир
7. Қўл остидагиларга яхшилик қилиш
8. Етим ва беваларга раҳм қилиш
9. Қўшничилик ҳақлари
10. Мусулмоннинг мусулмондаги ҳақлари
11. Аллоҳ таоло халқ қилган нарсаларга раҳм қилмоқ вожиб
12. Ёмонликларнинг турлари ҳақида

13. Одамларнинг энг золими ўзига зулм қилганидир
14. Чақимчилик
15. Ғийбат
16. Фосиқ ҳақида ғийбат йўқ
17. Обрўсини садақа қилиш яхшидир
18. Ёмон гумон ва ҳиқду ҳасад
19. Бировнинг айбини беркитиш
20. Кибр ва ҳаволаниш
21. Маддоҳлик
22. Сўкиш ва айблаш
23. Лаънатлаш ва фаҳш сўзлар айтиш
24. Мусулмонни таҳқирлаш ва ундан аразлаш
25. Талашибтортишиш
26. Бахиллик ва бадхулқлик
27. Уч ҳолатдан бошқада ёлғон ҳаромдир
28. Тарафкашлик жоҳилият сифатидир
29. Карамли ахлоқлар ҳақида
30. Энг улуғи аччиқни ютиш ва ғазаб қилмасликдир
31. Сабр, авф ва озорга чидаш
32. Ғазабнинг давоси
33. Мусулмонга ёрдам бериш, унинг айбини беркитиш ва уни ҳимоя қилиш
34. Шафоатчилик
35. Содиқлик
36. Ҳазил жоиз
37. Ваъдага вафо қилиш
38. Мулойимлик ва шошилмаслик
39. Ҳаё
40. Тавозуъ
41. Ҳусни хулқ аллоҳнинг улуғ хулқидир
42. Набий алайҳиссаломнинг баъзи ахлоқлари
43. Солиҳлик йўли
44. Саховат ва карамлилик
45. Яхшиликка ташаккур айтиш
46. Аллоҳдан ва одамлардан ҳазир бўлиш
47. Аллоҳдан ва одамлардан яхши гумонда бўлиш
48. Динниг камоли насиҳатдадир
49. Маслаҳатчи аминдур
50. Яхшиликка далолат қилувчи уни қилувчига ўхшашдир
51. Олий даражалар одамларнинг ҳожатларидадир
52. Адолат мулкнинг асосидир

53. Муҳаббат ҳақида

54. Ким аллогҳа муҳаббат қилса, унга аллоҳ ва бандалар муҳаббат қилишади

55. Ким бир қавмга муҳаббат қилса, ўшалар билан бирга тирилтирилади

56. Солиҳларга муҳаббат қилиш, уларни зиёрат қилиш ва улар билан бирга ўтириш ғаниматдир

57. Муҳаббат қилишганлар қиёмат куни арш соясида бўладилар

58. Муҳаббатда ўртачалик матлуб